



Инсон одоби билан гўзал

- Инсон одоби билан гўзалдир. Одоб сўзининг маъноси ниҳоятда кенг ва бепоёндир. Инсон одоби билан табиатдаги бошқа мавжудотлардан фарқ қилиб туради. Киши қанча ёшга кирмасин, то ҳаётдан кўз юмгунча тарбияга, одобга, ахлоққа муҳтождир. Билимли, илмли одам бўлиши мумкин, аммо одамнинг одоб-ахлоқи талаб даражасида бўлмаслиги мумкин.




Одоб-ахлоқ эгаси бўлувчи инсон, энг аввало, ўзининг юриш-туриши, муомала маданияти билан ҳаёт кечиришда, оила барқарорлигида намуна бўлиши кераклигини буюк аллома **Абу Райҳон Беруний** уқтиради.«Инсон ўзининг эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга, бошқаришга қодир, ўз жони ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтайдиган нарсаларга айлантришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир»






Абу Али Ибн Синонинг одоб-ахлоқ, поклик ва саломатлик тўғрисидаги қарашларида жуда катта ибратли фикрлари бор. Ибн Сино тўғри сўзлаш ва тўғри ишлаш, ҳалоллик, инсофли ва адолатли бўлиш, хушмуомала ва ширинсуханликни одоб қилиш, нафсга берилмаслик, фозиллар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, катталарнинг иззатини жойига қўйиш, кичикларга шафқатлилик, самимий дўстлик, муҳтожларга ёрдам беришни унутмаслик, нодонларга насиҳат, маслаҳат бериш каби фазилатларни барча эзгуликнинг асоси эканлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам шарқ халқларининг турмуш тарзини, урф-одатларини ва анъаналарини яхши билар эди. Шу сабабли ҳам бу халқларнинг одоб-ахлоқ нормаларига катта қизиқиш билан қаради: катталарни ҳурмат қилиш, кичикларнинг бурчи эканлигини, ўз навбатида, катталар ҳам кичикларни эъзозлашини ҳамма учун бурч ва инсоний қадр-қиммат белгиси деб билади. Жаҳон фани ва маданиятига ғоят улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик донишмандлар ўзларининг кенг қамровли фикрлари билан инсонни қандай қилиб бахтли ҳаётга йўллаш мумкинлигини риёзат чекиб изланганлар, бу хусусда одилона йўл топиш учун интилганлар. Улар ўзларининг ана шу мазмунда яратган асарларида ахлоқи, одоби, файз-баракани, тотув оила қуриш бахт-иқболга элтувчи йўллардан эканлигини кўрсатиб беришган.




Ўрта Осиёдаги ахлоқ, одоб, оила ҳақидаги қарашларнинг бошида халқнинг ўлмас маданияти ёрқин нур сочиб туради. Айтилган сўзларнинг уддасидан чиқишдек мардлик, кечиримлилик, ботирларга хос инсонийлик, олийҳимматлилик, севги ва муҳаббатга содиқлик каби чин инсоний ахлоқлар аجدодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган муқаддас фазилатлардир. Шунинг учун ҳам халқимизнинг ўша қабилачилик ҳаёт тарзларини акс эттирувчи эпосларда ҳам мардлик, жасурлик, камтарлик, севгига садоқат, дўстлик ва биродарлик, тинч-тотув яшаш учун кураш инсоний қадр-қиммат, ҳалол ва пок турмуш, оилада поклик улуғланган. Биз бу улуғ ғояларнинг «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли»- туркумидаги барча дostonларда, ажойиб халқ эртакларида талқин этилганлигини кўрамиз.



Алишер Навоий жаҳон маданиятини, адабиёти ва тилини кўз-кўзлаган алломадир. У шеърият мулкининг султонигина эмас, шарқ халқлари, шахсан, ўзбек халқининг ахлоқ-одоб, тарбия мактабининг етук билимдони, адолатли ва тадбиркор давлат арбоби, халқпарвар маданият соҳибқирони эди.

«Маҳбубул-қулуб» алломанинг энг буюк асари бўлиб таълим-тарбия ахлоқ-одоб соҳасидаги йирик рисоладир.



Алишер Навоий турмуш ва одоб ахлоқ муаммолари билан боғлиқ бўлган дидактик асарига «**Маҳбубул-қулуб**», яъни «**Қалбларнинг севгиси**» деб ном қўйиши бежиз эмас. У ўзининг пок ва мусаффо қалби буюрган, айтишга чорланган дардини ушбу рисолада жамулжам қилди. Асарнинг биринчи қисмида «Кишиларнинг ахлоқи, феъл-атвори, одоб ахлоқи ва гап, сўзларининг аҳамияти ҳақида» қайноқ ўгитлар айтилса, иккинчи қисмида «Яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида» ахлоқий маълумотлар баён қилинади. инсоннинг одоби унинг барча сифатларидан муҳим. Одамзот одоби, ҳулқи билан «инсон» деган шарафга лойиқ бўлган. Унинг барча сифатлари «одоб» билан фазилатларга айланган.

Дарҳақиқат, азалдан Шарқ ҳам Ғарб ҳам диний-фалсафий таълимотларида ахлоқий тушунчалар орқали „Инсоннинг моҳияти нима, у ўзига, бошқаларга бўлган муносабатларида қандай маънавий мезонларга таянади? — деган саволга жавоб топишга интилишган. **Ҳусайн Воиз Кошифий** айтади: „Гўзал феъл — атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси яхшилик; иккинчиси — инсофли бўлиш; учинчиси – бошқа одамдан айб қидирмаслик; тўртинчиси — бирор кишида ҳам ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш; бешинчиси — бир одам ўз айбига иқрор бўлиб узр айтса, узрини қабул қилиш; олтинчиси — бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; еттинчиси — фақат ўз манфаатини кўзламаслик; саккизинчиси — очик юзли, ширин сўзли бўлиш; тўққизинчиси — муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш; ўнинчиси — мулойим ва тавозели бўлишдир“. **(Шарқ донишмандлари ҳикматлари. –Т: Шарқ,. 2006 йил.)**

Буюк мутафаккирлар айтганларидек, ахлоқ шундай ойнаки, унда инсоннинг ташқи қиёфасигина эмас, балки ички дунёси ҳам кўзга ташланиб туради. Инсонларни ташқаридан кузатиш мумкин бўлган камтарлиги, хушмуомалалиги, андишаллиги, шарм–ҳаёлигида ички ахлоқий камолотининг даражаси яққол кўзга ташланиб туради. Инсон ўзининг ахлоқий фаолиятини ақл асосига қургандагина ўз мақсадига эришади. Тўғри йўл кўрсатувчи ақл фазилатли туйғулар ҳаракати билан ҳамоҳанг бўлганида ахлоқий фазилат пайдо бўлади. Ақл ва туйғуларнинг бундай ҳамоҳанглигида доимо ақл яхшиликка буюради, тўғри. ва покиза туйғулар оқилна буйруқларга осон ва тез бўйсунверади.





Арасту шундай дейди: „Агар туйғулар покиза бўлса-ю, уларга ҳукм ўтказаетган ақл йўлдан оздирувчи бўлса, фазилатга ўрин қолмайди. Чунки фазилат яхшиликка бошловчи ақл билан покиза туйғулардан келиб чиқади. Шунинг учун агар инсонда фазилат бўлса, уни ёвуз ниятда ишлатиш сира мумкин эмас“. Кундалик турмушда учраб турадиган, ўзимиз сезиб–сезмайдиган, аммо билишимиз ва ҳар қадамда қўллашимиз зарур бўлган одоб қоидалари мавжуд. Оддий хатти–ҳаракат, чиройли хулқ–атвор натижасида катта мувоффақиятларга эришиш мумкин. Шунинг учун одоб қоидаларига „майда иш“ деб қараб бўлмайди.

Инсон буюк ишларда хатога йўл қўйиши мумкин эмас. Бунда у турли хил майда фикрлардан юксак туриши, уларданда устувороқ фикрлар ҳақида ўйлаши зарур. Инсоннинг ақл–идроки бўлмаса, унинг одоби юзаки, сунъий чиқади: унинг сийрати одам эканлигини кўриб турганингиз ҳолда инсонийлигини кўрмайсиз. Ҳикмат дурдоналарида келтирилади: **„Луқмони Ҳакимдан:** „Одобни кимдан ўргандинг?“ деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: „Одобни беодоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!“:



